

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ НОМИДАН ҲУКМ

2025 йил сентябрь ойининг 15 куни жиноят ишлари бўйича Сирдарё туман суди Сирдарё туман “Дехқонобод” МФЙ биносида, очик сайёр суд мажлисида, раислик қилувчи Б.Қораев, К.Абдурахмановнинг котиблигида, тарафлардан давлат айбловчиси Сирдарё туман прокурорининг катта ёрдамчиси А.Джайнаров, судланувчи Ғларнинг иштирокида, Ғга нисбатан 1-1208-2501/200-сонли жиноят ишини кўриб чиқди. Иш хужжатларига кўра:

Ғ (Ғ) 1985 йил 12 апрелда Тошкент вилояти, Тошкент туманида туғилган, миллати ўзбек, маълумоти олий, вақтинча ишсиз, оилали, 1 нафар фарзанди бор, муқаддам Тошкент ҳарбий округ ҳарбий судининг 23.05.2013 йилдаги ҳукмига кўра, Ўзбекистон Республикаси ЖК 301-моддаси 1-қисми билан айбли деб топилиб, пул таъминотини 20 фоизи миқдорида давлат даромади ҳисобига ушлаб қолган ҳолда 2 йил муддатга хизмат бўйича чеклаш жазоси тайинланган, жиноят ишлари бўйича Зангиота туман судининг 22.08.2013 йилдаги ажримига кўра, ЖКнинг 46,47-моддаларига асосан ўталмаган 1 йил 10 ой жазоси иш ҳақининг 20 фоизини давлат даромадига ундирилган ҳолда шу муддатга ахлоқ тузатиш ишлари жазосига алмаштирилган, жиноят ишлари бўйича Зангиота туман судининг 21.01.2024 йилдаги ажримига кўра, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг 12.12.2013 йилдаги Қарорига асосан жазони ўташдан озод қилинган, ЖКнинг 78-моддасига асосан судланганлик ҳолати тугалланган [REDACTED], иш бўйича ”муносиб хулқ-атворда бўлиш тўғрисида тилхат” тарзидаги эҳтиёт чораси қўлланилган, айблов хулосаси нусхасини 10.08.2025 йилда олган,

Ўзбекистон Республикаси ЖК 261²-моддаси билан айбланган.

Суд, судланувчи ва гувоҳнинг кўрсатувларини тинглаб, иш хужжатларини тафтиш қилиб, тарафларнинг музокара нутқи ва судланувчининг охириги сўзларини тинглаб, йиғилган далилларга ҳуқуқий баҳо бериб, қуйидагиларни



А Н И Қ Л А Д И:

Судланувчи F амалда транспорт воситаларини бошқариш ҳуқуқидан маҳрум этилиб, Ўзбекистон Республикаси МЖТКнинг 135-моддаси 3-қисмида назарда тутилган ҳуқуқбузарликни содир қилганлиги учун маъмурий жавобгарликка тортилган бўлсада, бундан ўзига тегишли хулоса чиқармасдан транспорт воситаларини бошқариш ҳуқуқидан маҳрум этилган ҳолда транспорт воситасини бошқаришда ифодаланган жиноятни қўйидаги вақт, ҳолат ва шароитда қасдан содир қилган.

Жумладан, у 2024 йил 24 февраль куни Nга тегишли оқ рангдаги, давлат рақам белгиси 01E068HA бўлган, “Lacetti” русумли автомашинасини Тошкент вилояти, Тошкент тумани ҳудудидан ўтувчи автомобиль йўли бўйлаб маст ҳолатда бошқариб кетаётган вақтида Тошкент тумани ИИБ ЖХХ ЙҚХБ ходимлари томонидан тўхтатилиб, мастлик ҳолатини текшириш мақсадида текширувдан ўтишлиги айтилганда, у ўзининг мастлик ҳолатини яшириш мақсадида, текширувдан ўтишдан қасдан бўйин товлаганлиги аниқланган, шундан сўнг мазкур ҳолат юзасидан ЙҚХБ ходимлари томонидан икки нафар холислар иштирокида мастлик ҳолати бўйича текширувдан ўтишдан бош тортганлиги тўғрисида далолатнома расмийлаштирилган.

Мазкур ҳолат юзасидан 2024 йил 05 март куни ЖИБ Тошкент тумани суди томонидан F Ўзбекистон Республикаси МЖТКнинг 136-моддаси 1-қисмида назарда тутилган ҳуқуқбузарликни содир этганликда айбли деб топилиб, у 1 йил 6 ой муддатга транспорт воситаларини бошқариш ҳуқуқидан маҳрум қилиниб, унга нисбатан БХМнинг 5.100.000 сўм миқдорда жарима жазоси тайинланган.

Бироқ, у юқоридаги ҳолатдан ўзига тегишли хулоса чиқармасдан 2025 йил 16 апрель куни амалда транспорт воситаларини бошқариш ҳуқуқидан маҳрум бўлганлигига қарамасдан, Т.Д.Маллахуновга тегишли оқ рангдаги, давлат рақам белгиси 01E068HA бўлган, “Lacetti” русумли автомашинасини ҳеч қандай ҳужжатларсиз Тошкент вилояти, Тошкент тумани, Келес шаҳридан ўтувчи автомобиль йўли бўйлаб бошқариб кетаётган вақтида Тошкент тумани ИИБ ЖХХ ЙҚХБ ходимлари томонидан тўхтатилиб, ушбу ҳуқуқбузарлик ҳолати бўйича унга нисбатан Ўзбекистон Республикаси МЖТКнинг 135-моддаси 3-қисмига асосан маъмурий баённома расмийлаштирилган.

Бундан ташқари, F такроран ҳуқуқбузарлик содир этишга йўлига кириб 2025 йил 14 июль куни соат 10:00ларда Т.Д.Маллахуновга тегишли оқ рангдаги, давлат рақам белгиси 01E068HA бўлган, “Lacetti” русумли автомашинасини Сирдарё вилояти, Сирдарё тумани, Дехқонобод МФЙ ҳудудидан ўтувчи автомобиль йўли бўйлаб бошқариб кетаётган вақтида Сирдарё тумани ИИБ ЖХХ ЙҚХБ ходимлари томонидан тўхтатилиб, унинг транспорт воситаларини бошқариш ҳуқуқидан маҳрум бўлганлигига



карамасдан Т.Д.Маллахуновга тегишли автомашинасини ҳеч қандай ҳужжатларсиз бошқариб келганлиги аниқланган.

Ғ ўзининг юқоридаги жиноий ҳаракатлари билан Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 261²-моддасида кўрсатилган жиноятни қасдан содир қилган.

Судланувчи Ғ суд муҳокамасида айбига тўлиқ иқрорлик билдириб, у 2005 йилда “в,с” категория ҳайдовчилик гувоҳномасини олгани, 2021 йилда қариндоши Ндан оқ рангдаги, давлат рақам белгиси 01Е068НА бўлган “Ласетти” русумли автомашинасини бўлиб тўлаш шарти билан сотиб олгани, мазкур автомашинани сотиб олган вақтида ўзини номига расмийлаштириш учун пул маблағлари етарли бўлмаганлиги сабабли ушбу автомашина учун унга Т.Маллахунов “генерал ишончнома” расмийлаштириб бергани, 2024 йил 24 февраль кунидан 25 февраль кунига ўтар кечаси соат 23:00ларда у Тошкент вилояти, Тошкент тумани, Келес шаҳрида жойлашган “Кай-кай” номли ресторанда овқатланиб ўтирган вақтида икки пиёлада ароқ спиртли ичимлигини истеъмол қилиб, Келес шаҳри бўйлаб ўзининг бошқарувидаги оқ рангдаги, давлат рақам белгиси 01Е068НА бўлган “Ласетти” русумли автомашинани бошқариб кетаётган вақтида уни Тошкент тумани ИИБ ЖХХ ҲПХ ходимлари тўхтатиб, уни спиртли ичимлик истеъмол қилганликда гумон қилиб, бу бўйича текширувдан ўтишлик айтилганда у мазкур спиртли ичимлик истеъмол қилган ёки қилмаганлиги юзасидан текширувдан ўтишдан бош тортгани, шундан сўнг ЙПХ ходимлари томонидан бу бўйича икки нафар холислар иштирокида далолатнома расмийлаштиришгани, юқоридаги ҳолат юзасидан 05.03.2025 йилда ЖИБ Тошкент тумани суди томонидан у Ўзбекистон Республикаси МЖТКнинг 136-моддаси 1-қисмида назарда тутилган ҳуқуқбузарликни содир қилганликда айбли деб топилиб, транспорт воситасини бошқариш ҳуқуқидан 1 йил 6 ой муддатга маҳрум этилиб, БҲМнинг 5.100.000 сўм миқдорда жарима жазоси тайинлангани, унга тегишли ҳайдовчилик гувоҳномасини ЖИБ Тошкент тумани суди олиб қолгани ва ҳозирги кунга қадар уларда сақланмоқдалиги, у ЖИБ Тошкент тумани суди томонидан транспорт воситасини бошқариш ҳуқуқидан маҳрум этилган бўлсада, 2025 йил 16 апрель куни бошқарувида бўлган оқ рангдаги, давлат рақам белгиси 01Е068НА бўлган “Ласетти” русумли автомашинасини ҳеч қандай ҳужжатларсиз Тошкент тумани, Келес туманидан ўтувчи автомобиль йўли бўйлаб бошқариб кетаётган вақтида Тошкент тумани ИИБ ЖХХ ЙПХ ходимлари томонидан тўхтатилиб текширилган вақтда транспорт воситасини бошқариш ҳуқуқидан маҳрум этилган ҳолида транспорт воситасини бошқаргани аниқлангани, сўнгра Тошкент тумани ИИБ ЖХХ ЙПХ ходимлари томонидан унга нисатан Ўзбекистон Республикаси МЖТКнинг 135-моддаси 3-қисмида назарда тутилган ҳуқуқбузарликни содир қилганлиги учун маъмурий баённома расмийлаштирилгани, у ушбу ҳуқуқбузарлигига асосан белгиланган жарима суммасини тўлагани, у 2025 йил 14 июль куни оқ рангдаги, давлат рақам белгиси 01Е068НА бўлган “Ласетти” русумли автомашинани Сирдарё вилояти, Сирдарё тумани,



Дехқонобод МФЙ ҳудудидан ўтувчи автомобиль йўли бўйлаб ҳеч қандай ҳужжатларсиз бошқариб кетаётган вақтида Сирдарё тумани ИИБ ЖХХ ЙПХ ходимлари томонидан тўхтатилиб, текширилган вақтида ўзини бошқарувида бўлган транспорт воситасини ҳеч қандай ҳужжатларсиз бошқариб келганлиги аниқлангани, айбига тўлиқ иқрорлигини, қилмишидан пушаймонлигини, унга нисбатан қонуний енгиллик берилишини айтиб кўрсатув берди.

Гувоҳ Мустафаев Дилмурод Шавкатович суд муҳокамасида 2024 йил ноябрь ойидан ҳозирги кунга қадар Сирдарё вилояти ИИБ ЖХХ ЙҚХБ ЙПХ 1-сафарбарлик гуруҳ катта инспектори лавозимида ишлаб келишини, унинг хизмат вазифасига йўлларда ҳаракат хавфсизлигини таъминлаш, тирбантликларни олдини олиш, жиноятчиликка қарши курашиш ва қонунбузарларга маъмурий баённома расмийлаштириш ва бошқа шу қабилар киришини, 2025 йил 14 июль куни у Сирдарё вилояти ИИБ ЖХХ ЙҚХБ тақсимотига асосан 33-тармоққа кунлик хизматга бириктирилгани, 33-тармоққа Сирдарё тумани, Дехқонобод МФЙ ҳудудидан ўтувчи автомобиль йўли киришини, ушбу куни соат 09:40ларда у Сирдарё тумани, Дехқонобод МФЙ ҳудудидан ўтувчи автомобиль йўлининг “Тошкент шаҳар - Гулистон шаҳри” йўналишида транспорт воситаларининг ҳаракат хавфсизлигини таъминлаб, назорат қилиб турган вақтида ушбу йўналиш бўйлаб оқ рангдаги, давлат рақам белгиси 01E068HA бўлган “Ласетти” русумли автомашинаси ҳаракатланиб келаётганлигини, ҳаракат давомида ҳайдовчи хавфсизлик камарини тақмасдан ҳаракатланиб келаётганлигини кўргани, сўнгра у мазкур транспорт воситасини белгиланган тартибда тўхтатиб, ўзини таништириб, ундан автомашинага оид тегишли ҳужжатларни тақим қилишлигини сўраган вақтида ҳайдовчи унга ўзига тегишли фуқаролик “ID” паспорти ва бошқарувида бўлган автомашинанинг давлат рўйхатидан ўтказилганлиги ҳақида гувоҳномасини тақдим қилгани, сўнгра у мазкур ҳужжатлар асосида ўзига бириктирилган планшет орқали автомашинани текшириб кўрган вақтида, мазкур автомашина бошқарувида унга илгари таниш бўлмаган F эканлиги, ушбу автомашина эса Nга тегишли эканлигини маълум бўлгани, бундан ташқари ҳайдовчи F ЖИБ Тошкент тумани суди томонидан 2024 йил 05 март куни транспорт воситасини бошқариш ҳуқуқидан 1 йил 6 ойга маҳрум этилганлиги аниқлангани, у мазкур ҳолат юзасидан фуқаро А.Абдуллаевга нисбатан Ўзбекистон Республикаси МЖТКнинг 135-моддаси 1-қисми ва МЖТКнинг 135-моддаси 3-қисми билан MB25200163940-сонли маъмурий баённома расмийлаштиргани, у А.Абдуллаевдан маъмурий баённомага электрон имзо қўйишлигини айтган вақтида у электрон имзо қўйишдан бош тортгани, ушбу ҳолат юзасидан у икки нафар холислар, яъни Ў.З.Бойбўтаев ва А.С.Турсуновлар иштиркида маъмурий баённомага тегишли ёзув киритгани, сўнг А.Абдуллаевнинг бошқарувида бўлган автомашина 10-жарима майдонида жойлаштирганини айтиб кўрсатув берди.

Суд мажлисига узрли сабабларга кўра келмаган гувоҳ Т.Д.Маллахуновнинг дастлабки терговда берган кўрсатувлари суд мажлисида



тарафларнинг розилиги билан ўқиб эшиттирилганида судланувчи F уни кўрсатмаларини тасдиқлади.

Суд, давлат айбловчисининг хулосасини, судланувчи ва гувоҳнинг кўрсатмаларини тинглаб, иш хужжатларини таҳлил қилиб, судланувчи Fнинг жиноят содир этганликдаги айби, унинг айбига иқрорлик кўрсатувларидан ташқари қуйидагилар,

-20.07.2025 йил санаси билан расмийлаштирилган Сирдарё вилояти ИИБ ЖХХ ЙҲХБ МАМ Сирдарё тумани бўйича инспектори С.Хасановни Сирдарё туман ИИБ бошлиғи номига ёзган билдиргиси билан (и.в.4);

-тушунтириш хатлари билан (и.в.6-14);

-жиноят ишлари бўйича Тошкент тумани судининг 2024 йил 05 март куни Fга нисбатан Ўзбекистон Республикаси МЖТКнинг 136-моддаси 1-қисми билан айбли деб топиб уни 1 йил 6 ой муддатга транспорт воситасини бошқариш ҳуқуқидан маҳрум қилиш ва базавий ҳисоблаш миқдорининг 15 баравари 5.100.000 сўм жарима жазоси тайинлаш ҳақидаги қарори билан (и.в.17-19);

-31.07.2025 йил санаси билан расмийлаштирилган видеотасвирни кўздан кечириш баённомаси билан (и.в.33-45);

-Fни 01.08.2025 йил санаси билан гумонланувчи тариқасида сўроқ баённомасида унинг ўз айбига тўлиқ иқрорлик билдириб берган кўрсатмалари билан (и.в.63-68);

-Fни 01.08.2025 йил санаси билан айбланувчи тариқасида сўроқ баённомасида унинг ўз айбига тўлиқ иқрорлик билдириб берган кўрсатмалари билан (и.в.79-84);

-нарсани далилий ашё деб эътироф этиш қарори билан (и.в.91-92) ва жиноят ишида тўпланган бошқа далиллар мажмуи билан тўлиқ исботланган деб ҳисоблайди.

Суд, жиноят иши бўйича йиғилган барча далилларга баҳо берар экан, ушбу далиллар жиноят иши учун аҳамиятли бўлган мавжуд ҳолатлар ҳақидаги хулосаларни тасдиқлайди деб ҳисоблаб, ишга алоқадор деб эътироф этди. Шунингдек, суд ушбу далиллар белгиланган тартибда тўпланган ва ЖПКнинг 88, 90, 92-94-моддаларида назарда тутилган шартларга мувофиқлиги учун мақбул деб, текширув натижасида ҳақиқатга мувофиқ эканлиги аниқланганлиги учун ишончли далиллар деб ҳисоблади.

Суд, судланувчи F томонидан содир этилган жиноятнинг юридик квалификациясини муҳокама қилиб, дастлабки тергов органи томонидан унинг транспорт воситаларини бошқариш ҳуқуқидан маҳрум этилган ҳолда транспорт воситасини бошқариши, шундай қилмиш учун маъмурий жазо қўлланилгандан сўнг содир этганликда ифодаланган жинойий ҳаракатларини Ўзбекистон Республикаси ЖК 261²-моддаси билан тўғри квалификация қилган деб ҳисоблайди.

Суд, судланувчи Fнинг ҳаракатларида жазони енгиллаштирувчи ҳолатлар деб, унинг айбига тўлиқ иқрорлиги ва қилмишидан



пушаймонлигини топгани ҳолда, унинг ҳаракатларида жазони оғирлаштирувчи ҳолатлар йўқ деб ҳисоблайди.

Суд, судланувчи Ғга нисбатан жазо тури ва миқдорини тайинлашда уни айбига тўлиқ иқроор ва қилмишидан пушаймонлигини, муқаддам судланмаганлигини инобатга олиб уни жамиятдан ажратмасдан тарбиялаш мумкин деган хулосага келиб, унга у айбдор деб топилган ЖК 261²-моддаси билан ушбу модда санкциясида назарда тутилган ахлоқ тузатиш ишлари жазоси тайинлашликни лозим деб ҳисоблайди.

Суд, жиноят иши юзасидан далилий ашё деб эътироф этилган давлат рақам белгиси 01E068HA бўлган “Ласетти” русумли автомашинасини қайд этиш гувоҳномаси Ғга қайтаришликни ва 2 (икки) дона DVD дискларни жиноят иши ҳужжатлари билан бирга сақлашликни лозим деб топади.

Ўзбекистон Республикаси Жиноят процессуал кодекси 454-457, 463, 465-468, 471-473-моддаларига амал қилиб, суд

Ҳ У К М Қ И Л Д И:

Ғ (Ғ) Ўзбекистон Республикаси ЖК 261²-моддасида назарда тутилган жиноятни содир этганликда айбдор деб топилсин.

Ғга Ўзбекистон Республикаси ЖК 261²-моддаси билан ҳар ойда ойлик иш ҳақининг 20 (йигирма) фоизини давлат даромади ҳисобига ушлаб қолган ҳолда 1 (бир) йил 2 (икки) ой муддатга ахлоқ тузатиш ишлари жазоси тайинлансин.

Ахлоқ тузатиш ишлари жазоси мазкур жазо ижросини назорат қилувчи органлар белгилаб берадиган жойларда ўтатирилсин. Жазони ўташни назорат қилиш Тошкент вилояти, Тошкент тумани ички ишлар органлари Пробация гуруҳига юклатилсин.

Жазо муддати Ғ жазони ўташ учун юборилган корхона, муассаса, ташкилотда иш бошлаган кундан эътиборан ҳисоблансин.

Ҳукм қонуний кучга кирганидан сўнг, Ғга нисбатан қўлланилган “муносиб хулқ-атворда бўлиш тўғрисида тилхат” тарзидаги эҳтиёт чораси бекор қилинсин.

Ҳукм қонуний кучга кирганидан сўнг, жиноят иши юзасидан далилий ашё деб эътироф этилган давлат рақам белгиси 01E068HA бўлган “Ласетти” русумли автомашинасини қайд этиш гувоҳномаси Ғга қайтарилсин ва 2 (икки) дона DVD дисклар жиноят иши ҳужжатлари билан бирга сақлансин.

Ҳукмдан норози томон ҳукм эълон қилинган кундан сўнг 10 сутка муддат ичида, судланган шахс, жабрланувчи эса ҳукм нусхасини олган кундан бошлаб шу муддат ичида шу суд орқали Сирдарё вилояти суди жиноят ишлари бўйича судлов ҳайъати апелляция инстанциясига апелляция шикоятни ёки апелляция протести, ҳукм қонуний кучга кирганидан сўнг эса шу суд орқали Сирдарё вилояти суди жиноят ишлари бўйича судлов ҳайъати кассация инстанциясига кассация тартибида кассация шикоятни ёки кассация протести келтириш ҳуқуқига эгадирлар.



Раислик қилувчи:-

Б.Қораев

Хужжат имзоланган: Қораев Баходир Шарифович, 29.09.2025

